Саҳифа меҳмони

**СССР халқ депутати, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг раиси, муфти**

**МУҲАММАД СОДИҚ ИБН МУҲАММАД ЮСУФ:**



# «Ҳалоллик ва ҳақгўйлик — юксак эътиқод»

**Гарчи ўта босиқ ва сермулоҳаза ҳамсуҳбатимиз, айниқса, яқиндагина давлатимизнинг олий органига депутат қилиб сайлангандан кейин ҳаммага маълум бўлиб қолган бўлсаларда, у кишининг ижтимоий келиб чиқиши билан таништиришни лозим, деб билдик. Бу йил ўттиз етти баҳорни қаршилаган Муҳаммад Содиқ диндор оилада туғилиб, дастлабки маълумотни отасидан олгач, Бухородаги Мир Араб мадрасасида, сўнгра Тошкент Ислом институтида ўқиди. 1980 йилда Ливия Араб Жумҳуриясининг Тароблус шаҳридаги Ислом дорилфунунини имтиёзли диплом билан тамомлади. Она юрти Ўзбекистонга қайтгач, диний бошқармада халқаро бўлимда хизмат қилди, кейинчалик пойтахтимиздаги Ислом институти мудири (ректори)нинг ноиби, мудири, сўнг мусулмонларнинг IV Қурултойида диний бошқарма ҳайъатига раис қилиб сайланди. Муфти унвонига сазовор бўлди. Араб мамлакатларининг кўпчилигини кезиб чиққан Муҳаммад Содиқ «Совет Шарқи мусулмонлари» журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида диндорлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ишлар қилди. У араб ва рус тилларида бекаму кўст гаплашади.**

**— Муфти ҳазратлари, аввало, СССР халқ депутати бўлиб сайланганлигингиз билан табриклаймиз...**

— Бу ишончи азим биз, дин пешволарини Ватанимиз равнақи, халқимиз бахт-саодати, олам осойишталиги йўлида ҳамиша камарбаста бўлишга даъват нишонидир. Сайловлар арафасидаги шахсий режаномамда тинчликни сақлаш йўлида фаоллик кўрсатиш, ижтимоий оилавий ҳаётни инсонийлик руҳи билан суғориш, одамлар ўртасида биродарликни мустаҳкамлаш, диний жамоалар ёрдамида ёшлар тарбиясига, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш марказларига, кексалар уйларига, маҳаллалардаги муҳтож кишиларга моддий ва маънавий кўмаклашиш, ҳаво, сув, тупроқ, тирик мавжудот ҳамда табиат оламини муҳофаза қилиш каби қатор бандларни олдинга сурганман. Лафзда туриш, ҳалоллик ва ҳақгўйлик мусулмони комилликнинг олий белгисидир.

Айниқса, тинчлик турли ирқ ва насабга мансуб барча халқларнинг энг муқаддас орзуси ҳисобланади. Чунки инсоният тенглиги унинг тинчлигидадир. Ихтиёримиздаги «Совет Шарқи мусулмонлари» журнали саҳифаларида ҳам дунё тинчлиги ва барқарорлигини, халқлар осойишталиги ва дўстлигини тараннум айлашни ўзимизнинг сармақсадимиз деб билурмиз.

**— Сайловолди маърузаларингизда динлар ҳамкорлигига алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳақида гапирган экансиз.**

— Фоний олам ҳаловати йўлидаги ҳамкорликда ҳеч қанақа куфр йўқ. Билакс, динлараро тотувлик бандаи мўминларнинг ҳам, ғайри дин аҳлининг ҳам роҳат ила фароғатда яшашлари учун бисёр катта имкон уфқларини очиб беражак.

Сайлов арафасида менинг номзодим ташвиқотида Лев ҳазратларининг мислсиз ғайрат ва ташаббус кўрсатганликларидан ғоят миннатдор эрурман. У киши ўз қавмлари даврасида сайловолди рўзномам мазмунини таҳлил этиб, барча умматларни менинг номзодим учун овоз беришга даъват этибдурлар. Сайловларда кўп овоз олганлигимда муҳтарам епископнинг ҳам ҳиссалари бисёр кўпки, шу имкониятдан фойдаланиб, у кишига ўзим ва қавмларимиз миннатдорчилигини изҳор этишдан бахтлидурман.

**— Сиз халқ депутатларининг биринчи съездида қатнашдингиз. У ерда сайловчиларга манзур бўлган ўша программангиз учун кураш хаёлингиздан ўтдими?**

— Ҳа, режаларимнинг амалга ошиши учун ўша улкан қурултойда ҳам мен бутун куч-ғайратимни сафарбар этишни ўйладим. Ҳали суҳбатимиз муқаддимасида лутф қилганимдай лафз-муслим ҳақгўйлигининг энг юксак мартабаси саналади. Мен халқнинг вакилиман, одамлар мени не-не орзу-умидлар билан ўзларининг депутати қилиб сайлашди. Агар улар эътирофига нолойиқ қолур эканман, бундан ортиқ гуноҳи азим бўлмас, албатта.

**— Ҳозир баъзи оилаларда ўзаро келишмовчиликлар, болалар тарбиясидаги нуқсонлар, эр-хотин муносабатларидаги қусурлар мавжудлиги ҳаммамизга маълум. Шу масалада таҳлилингизни билмоқчи эдик.**

— Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, жамиятимиз бирлиги, равнақи шу қадар юксак бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Афсуски, кўпгина оилаларимизда ноаҳиллик ҳукмрон. Бунга биринчи навбатда эр-хотиннинг ўзлари сабабчидирлар. Чунки эрнинг оилада ўз ўрни ва жавобгарлиги бўлгани каби аёлнинг зиммасига ҳам беқиёс ҳуқуқлари қаторида жиддий масъулиятлар юклаб қўйилган. Эр, биринчи навбатда, хонадон соҳиби, оила сардори. Шунинг учун унинг феъл-атвори ҳам, фикр-мулоҳазалари ҳам теран ҳамда вазмин бўлмоғи зарур. Аёл эса, аввало, фақат шаклан эмас, ички олами, хулқи-одоби, нозик табиати, шарқона муомаласи, эрга, оиланинг бошқа аъзоларига муносабати жиҳатидан ҳам ўз номи билан зебодир. Ана шу хусусиятлар ҳар бир оилада, ҳар бир жинсда тўла барқарор бўлгандагина кошонамизнинг пойдеворига асло дарз кетмайди.

Қуш уясида кўрганини қилади. Ота-она хулқидаги кўпирма ҳаяжон фарзандларда ҳам акс садо беради. Аксинча, оила раҳнамолари ўғил-қизларимиздаги ортиқча ҳиссиётларни жиловлаб турмоғи лозим. Мана, ҳозиргина ёнимда ўтирган биродаримиз гапириб берган воқеани инсон эркини поймол қилишга интилиш деб баҳоламоқ керак, холос. Уч нафар йигитнинг Талабалар шаҳарчасидаги қизлар ётоқхонасига кириб, нега сочларингиз қирқилган, нега бошингизга рўмол ўраб, ўзбек қизларига хос лозимда юрмайсизлар, дея дўқ-пўписа қилишлари безориликдан бошқа нарса эмас. Яхшиямки, зукко заифаларимиз «Нега сизлар дўппи ва чопон кийиб, белбоғ ўрамай берухсат хонамизга кирдингизлар» дея миллий «маданиятталаб» ўсмирларни мот қилиб, уларни гап билан хонани тарк этишга мажбур қилишибди.

Биз демократик турмуш тарзига қадам қўймоқдамиз, ошкора гапиришга ўрганаяпмиз, аммо ортиқча ҳиссиётларга берилиб, осойишталикка путур етказиш бемаврид қичқириб, уйқудагилар ҳаловатини бузган хўрозга тақлиддан бошқа нарса эмас. Шунинг учун биз аҳли мўминни ўйлаб қадам босишга, қабул қилинган қонун доирасидан чиқмасликка даъват этамиз.

**— Яна бир савол: маданий меросларимизни асрашда диний жамоаларнинг иштироки ҳақида гапириб берсангиз...**

— Меъморчилигимиз обидаларининг қоғоздаги сони 10 мингтадан ортиқ. Ҳозир эса шундан 7,5 мингга яқин кошоналаримиз қолган. Уларнинг аҳволига биргина мисол. Бухородаги Чорбакир мақбараси атрофини сув босиб, ҳозир у чўкиш арафасида турибди. Сомоний мақбараси эса шундоққина шўр сув устида. Ҳамма нарсани емиришга қодир шўрдан бу бебаҳо обидамиз қулаб тушмаётганига ақл бовар қилмайди. Самарқанд, Бухоро, Хева, Тошкент, Шаҳрисабз шаҳарларидаги тарихий кошоналаримизнинг аҳволи ҳам ниҳоятда аянчли.

Бепарволик, лоқайдлик ҳанузгача тарихий меросимизни қўлдан бой бериб қўяётганлигимизнинг бош айбдори бўлиб қолмоқда. Турғунлик даврининг бу қусури давлатнинг неча миллионлаб сўм маблағини шамолга совурди. Гап таъмирлаш ишларига ажратилган харажатлар ҳақида кетаяпти. Ишга совуққонлик билан ёндошилганлиги туфайли таъмирланган кошоналаримиз, қайта тикланган қасрларимиз 3—4 йил ўтмай яна вайрона ҳолига келаяпти. Бунинг бирдан-бир сабаби бажарилган ишлар сифатининг ниҳоятда пастлигидир. Фикри ҳақлигимизнинг исботи Бухоро, Самарқанд, Хева ҳамда Тошкентни кезган кишиларнинг шундоққина кўз ўнгида кўриниб турибди.

Ота меросимизга муносабат шу даражага бориб етдики, жуда кўп обидалар заҳарли химикатлар, оҳак ва туз сақланадиган омборларга, машина баллонларини қайта тиклайдиган кооператив корхоналарга айлантирилган. Оқибатда неча юз йиллаб гардсиз келаётган кошоналаримиз нураб, вайрона ҳолига келиб қолмоқда.

Вақт ўз ҳукмини ўтказаётгани камлик қилаётгандай табиий офатлар ҳам қадриятларимизга чанг солмоқда. Жумладан, Газлида бўлиб ўтган зилзила оқибатида Бухородаги осорий-атиқаларнинг деярлик бирортасини соғ қолди, деб айтишимиз қийин.

Орол фожиаси эса Хива меъморчилигининг тарихий намуналари пойига болта урмоқда. Ҳали юқорида таъкидлаганимдек, обидаларнинг асосий кушандаси шўрхоқликдир.. Денгиз қурий бошлаганлиги туфайли таркибида 50—60 фоизгача туз бўлган тўзонлар музей шаҳар номини олган Хивага келиб қўниб, тарихий ёдгорликларимизнинг нурашига сабаб бўлаяпти.

Шу ерда ўринли бир савол туғилади: бу маҳоватнинг олдини олиш мумкинми? Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш республика жамиятининг яқинда бўлиб ўтган анжуманида бу саволга ижобий жавоб қайтарилди.

Аввало, таъмирлаш ишлари сифатини кескин ошириш лозим. Бу тадбир узоқ муддатни кўзлаб амалга оширилиши, сифатсиз иш учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жазо чоралари қўлланилиши, ёдгорликларга путур етказган шахслардан жарима олиш билан чегараланиб қолмасдан улардан келтирилган зарар миқдори бир неча баробар ортиқ ундирилиши ва айни пайтда зараркунандаларнинг қонун олдидаги масъулияти кучайтирилиши шарт қилиб қўйилиши зарур.

Мамнуният билан шуни маълум қилайки, ҳозир жойлардаги баъзи обидалар бизнинг бошқармамиз ихтиёрига бериб қўйилмоқда. Дин аҳли бу тарихий ёдгорликларни қайта тиклаб, уларни доимий равишда назорат қилиб турибди. Жумладан, ўтмиш ёдгорлиги ҳисобланган Тошкентдаги Тўхтабойвачча мачити яқинда «Лимводторг» савдо корхонаси омбори вазифасини тарк этиб, бизнинг ихтиёримизга ўтди. Бундай обидалар сони ҳозир кун сайин кўпайиб бораяпти. Ҳар куни супуриб-сидирилиб тургач, ёдгорликларимиз умри ҳам узайиб бораверади.

**— Тақсир, яқинда қайсидир қишлоқдаги молхонадан Носир Хусравнинг шеърий мажмуаси топилганлигини ёзувчиларнинг вакили расман маълум қилди.**

— Ҳа, бу топилманинг ўзига хос кичкинагина тарихи бор. Маълумки, ёшларимиз араб имлосини билмагач, бу ноёб китобни бирор диний солнома бўлса керак, деб молхонага итқитиб юборишган. Бахтимизга араб имлосини биладиган бир рус адиби тасодифан унга дуч келиб, нодир китобни қайта нашр эттириш учун республика ёзувчилар уюшмасига олиб келибди.

Бир пайтлари арабча имлода битилган ҳар қандай китоб гуноҳдан қўрқиб, молхоналар шипига, пахтага ўраб сабзи ўраларига, девор кавакларига тиқиб юбораверган. Бундай нашрлар мазмуни билан ҳеч ким таниш бўлмаган. Оқибатда Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий, ибн Сино, Улуғбек сингари алломаларимизнинг жуда кўп дурдоналари ҳанузгача ўтмишдан бизга етиб келмаяпти.

Маданий меросимизни ўрганишга қизиқувчилар истаги ҳисобга олиниб, ҳозирнинг ўзидаёқ «Фан ва турмуш» ойлик журналида сиртқи араб алифбоси мактаби фаолият кўрсата бошлади.

Ана шу тадбирлар маданий меросимизга бўлган қизиқишни тобора кучайтирмоқда, у ёки бу сабаб билан йўқолиб кетган яхши удумларимизнинг ҳаётга қайтадан жорий этилиши тезлашмоқда.

**Суҳбатдошлар:**
**Абдулла НУРИМОВ ва Дилмурод ОБЛАЕВ.**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.**

«Мушоҳада»нинг навбатдаги сони 27 июнда чиқади.

«МУШОҲАДА» («Размышление»)
Ежемесячный выпуск общественной редакции газет «Тошкент оқшоми» и «Вечерний Ташкент».
Ҳар ойнинг сўнгги ҳафтасида сешанба кунлари чиқади.
Справкалар учун телефонлар: 32-54-15, 33-99-42, 32-53-66.

